

---

## Эзгу ибрат: профилактика инспекторининг ташаббуси билан маҳалладаги бб ёшли эҳтиёжманд ва ёлғиз онахоннинг хонадони таъмирлаб берилмоқда

Сожидахон опа Мелиқўзиева Ўзбекистон туманининг “Дарвешобод” маҳалла фуқаролар йиғини Оқёзи қишлоғида яшайди. бб ёшли онахон тақдир тақозоси билан якка-ёлғиз истиқомат қилади.

Унинг яшаш хонадонини таъмирлашда амалий ёрдам сўраб 3-сектор штабига қилган мурожаати жавобсиз қолмади. Ҳам профилактика инспектори, ҳам бевосита сектор котиби вазифасини бажариб келаётган Асилбек Омонов ушбу хайрли ишга бош бўлди. Таъкидланишича, ҳомийлик маблағлари ва уста қурувчилар жалб этилиб, айти кунларда онахоннинг яшаш хонадони томи таъмирлаб берилмоқда.



- Аввалги сафар мурожаат қилишганида айти хонадоннинг электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ижобий ҳал қилиб бергандик, - дейди сектор котиби Асилбек Омонов. - Бу хайрли ишга саҳоватпеша инсонлар ҳам ҳисса қўшмоқдалар, албатта. Насиб, ана шундай ўзаро якдиллик билан хонадоннинг қолган қисмини ҳам таъмирлаб бериб, кўплаб дуоларини оламиз. Сектор ҳудудидаги аҳолини камбағалликдан чиқариш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, улар учун реал даромад манбаини яратишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.



2022-11-28 15:55:43